


СУФИЙ ОЛЛОҲЁР

КЎЗИНГ ИБРАТ БИЛА ОЧ



СЎФИЙ ОЛЛОҲЁР

КЎЗИНГ ИБРАТ БИЛА ОЧ

(Ғазаллар, рубойлар, шеърий мактублар, ҳикматлар).

Самарқанд-2011

**Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи:
филология фанлари доктори,
профессор Иноятулла СУВОНҚУЛОВ**

**Масъул муҳаррир:
Жамол СИРОЖИДДИНОВ шоир,
«Самарқанд» газетаси бош муҳаррири
Мусаввир: Хуршид ЗИЁХОНОВ**

**Тақризчилар:
Абдурахим ТУРОБОВ доцент
Равшан МИРЗАЕВ
«Сўфи Оллоёр» жамғармаси раиси**

**Сурхондарё вилояти «Сўфи Оллоёр» жамғармаси
ҳомийлигида нашр этилди**

*Тасаввуф адабиётининг йирик вакили Сўфий Оллоҳёр
ижоди ҳозирги давр кишиларини тарбиялашда
маънавий хазинадир. Ушбу китобда шоирнинг
бир туркум лирик шеърлари ҳамда ахлоқий-таълимий
руҳдаги асарларидан парчалар жамланган*

УЛУҒ МУАЛЛИМ ВА МУРАББИЙ (Сўфий Оллоҳёр қиёфасига чизгилар)

Сўфий Оллоҳёр Туркистон халқлари орасида мутасаввуф шоир ва адиб сифатида кенг шуҳрат қозонган буюк алломаларимиздан биридир. У зоти покнинг исми Оллоҳёр, падари бузрукворларининг исми шарифлари Оллоҳқулидир. Сўфий мартабаси у кишининг шарият ва тарикат йўлидаги эътиқод ҳамда хизматлари учун берилган.

Сўфий Оллоҳёр сўнги маълумотларга кўра 1634 йилда туғилган. Академик Воҳид Абдуллаев «Ўзбек адабиёти тарихи»¹ дарслигида Сўфий Оллоҳёр Каттақўрғон мавзеидаги Минглар (Ҳозирги Иштихон туманида) қишлоғида туғилганини кўрсатади. Сўфий Оллоҳёр ҳақида сўз юритган Ҳожи Пўлатқори Муҳаммад ўғли эса «Шоир Сўфий гузарида таваллуд топди» деб қайд қилади. Бунга ўхшаш фикр ва мулоҳазаларни Саудиялик муаррих Саид Туркистоний Лаҳур (Покистон) матбаасида чоп этилган «Сўфий Оллоҳёр»² мақоласида қуйидагича тилга олади: «Қабиласи - Самарқанд атрофларида Мингия деган ... ўзбек қабиласига мансубдир. Валодати - Мингиялар жамоаси тобе Сўфий гузарида дунёга келмишдир. Бобоси - Темур исмли солиҳ, тақводор бир зотдур».

¹ Абдуллаев В Ўзбекистон адабиёти тарихи 2-китоб, Т; Ўқитувчи, 1980, 115-бет.

² Саид Туркистоний. Суфи Оллоҳёр. Ғайиблар хайлидан ёнган чироқлар. Т; 1994 й, 185-197 бетлар.

Юқоридаги «Сўфий гузарида таваллуд топган» деювчи муаллифлар ҳозирда мавжуд бўлган Каттақўрғон шаҳридаги Сўфи гузарини назарда тутган бўлади. Шунинг яхши биламизки, Сўфий Оллоҳёр Миёнкол - Иштихон ва Каттақўрғоннинг фарзанди ва айна пайтда барча элу юртимизнинг эъзозли ва ардоқли фарзандидир. Сўфий Оллоҳёр ўзбек халқи этник қағламининг Хитой - қипчоқ қабиласи Ўтарчи уруғига мансубдир. Бу уруғлар Иштихонда ҳам, Каттақўрғонда ҳам мавжуд, шунингдек, Мингия деб аталган жой номи ҳам ҳар икки туманда бор. Иштихон ва Каттақўрғон гўё эт билан тирноқ каби бир воҳага жойлашган, ери-ерига туташ. Унинг аҳолиси бир ариқдан сув ичган, дили-дилига пайванд халқ. Аллома Сўфий Оллоҳёр ана шу халқнинг жигарбанди. Шоир Ўтарчи уруғидан эканлигини такрор-такрор тилга олади.

**Гарчи Оллоҳёр Ўтарчидир ёмон,
Қўймағил душман қўлига муфтало.**

ёки

**Гарчи Оллоҳёр Ўтарчидир эрур ул ҳам ёмон,
Онинг ҳам қадри ўтар бир нечага ўлган замон.**

Оллоҳёр бу мисраларда ўзининг қайси қабилага мансублигини, шунингдек, бу дунёда у бир ўткинчи эканлигини ҳам баён этади. Дунёнинг фоний, бебақолигига ишора қилади.

Биз бир гуруҳ зиёлилар Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Катта Вахшивор қишлоғида бўлиб, мутасаввуф шоир ва олим Сўфий Оллоҳёрнинг қабри-руҳи покларини зиёрат қилдик.

Сўфий Оллоҳёр ўзбек адабиёти тарихида Бобораҳим Машраб, Турди Фароғийлар билан бир қаторда турувчи забардаст шоиргина эмас, йирик мутафаккир олим ҳамдир. Адибнинг «Мурод ул-орифин» асарида таъкид-

ланишича у тўртта асар ёзган.

Улар «Маслак ул-муттақин» (Тақводорлар маслаги), «Сабот ул-ожизин» (Ожизлар саботи), «Маҳзан ул-мутеъин» (Мутелар хазинаси) «Мурод ул-орифин» (Орифлар-донолар муроди) асарлари ҳамда, «Қиёматнома», «Муборак ҳаж сафари» каби асарлар, кўплаб лирик шеърлар мерос бўлиб етиб келган. Бу асарларнинг қўлёзмалари Республика архивлари ва айрим кишилар қўлида сақланиб, уларнинг ҳажми, ёзилиши сифати турличадир. Бундан ташқари, шоир асарлари Тошкент, Бухоро, Когон, Қозон, Истанбул каби шаҳарларда кўплаб чоп этилган. Масалан, унинг «Сабот ул-ожизин» асари Тошкентда 1882, 1884, 1905, 1908, 1915 йилларда, Когонда 1910 йилда, Қўқонда 1890 йилда қайта-қайта нашр қилинган. Шу фактнинг ўзидек Сўфий Оллоҳёр адабий меросининг халқ орасида машҳурлигини, унга эҳтиёж кучлилигини кўрсатади. Оллоҳёр ижодининг маърифатимиз тарихи учун муҳим жиҳатларидан бири шундаки, эски усул мактабларида тўрт китоб ўқитилиши шарт бўлган. Бунда аввал «Ҳафтияк», кейин «Чаҳор китоб», сўнгра «Сўфий Оллоҳёр» ва «Ҳофиз» ўқитилган. Кексаларнинг хотирлашларича, XX асрнинг бошларида республикамизнинг турли жойларида ўзига хос «оллоҳёрхонликлар» мавжуд бўлган.

Дастлабки таълимни Шайхлар қишлоғида олган Сўфий Оллоҳёр 10-12 ёшларидан сўнг Бухоро мадрасаларида таҳсил кўради. Бухоро амирлигида катта мавқе ва обрўга эга бўлган Жўйбор шайхлари даргоҳида тарбияланиб, диний ва дунёвий илмлардан ўз замонаси учун мукаммал таълим олади.

Сўфий Оллоҳёрнинг эътироф этишича, фикҳ илмида икки киши устозлик қилган: бири Хожа Муъмин, бири Муҳаммад Ғазний, Шоир «Ман ҳар қанча авом ва хом бўлсам ҳам устозларим марди тамом», яъни комил инсонлар деб уларни улуғлайди ва уларга Аллоҳдан Жунайду Ғаззолийга

насиб этган мартаба ва раҳмийларни тилайди.³

Мутасаввуф шоир ва олим «Маслак ул муттақин» китобида таъкидлаганидек, Сўфий Оллоҳёр нақшбандия тариқатига мансуб эканлигини асарнинг ҳамд қисмидаёқ айтиб ўтади. Ўзининг эътироф этишича, тариқатга йўллаган, тасаввуфнинг сири-асрори, роҳу равишидан таълим берган аввалги пири муршиди шахрисабзлик Хожа Наврўздир. Сўнгра бухоролик машҳур нақшбандий шайхи Ҳабибуддоҳ эшонга қўл бериб, у кишига хизмат қилиб ўзи ҳам шайхлик даражасига эришади.⁴

- Сўфи ўзи ким? Бу ҳақда бир неча фикрлар мавжуд. Аммо кўпчилик олимлар «Сўфий» сўзи арабча «сўф» сўзидан олинганлигини таъкидлайдилар. «Сўф» сўзининг луғавий маъноси жун ва жундан тўқилган мато бўлиб, аксарият сўфийлар жун чакмон ёки қўй терисидан тикилган пўстин кийиб юришган. Уларни «сўфи» деганлар. Агар «сўф» сўзидан «сўфий» ясалган бўлса, «сўфий»нинг кўплигидан «тасаввуф» каби атамалар юзага келган дейиш мумкин.

«Сўфий» унвонининг мутафаккир шоир ва олим Сўфий Оллоҳёрга берилиши унинг маънавий олами улуғлигини билдиради. Шу мақсадда мутасаввуф шоир ва алломани «Сўфий» деб ёзиш мақсадга мувофиқдир. Кейин нега «Оллоҳёр» тарзида ёзилмоқда, деган саволга келсак, зиёли ҳамкасбларимизга сир эмаски, узоқ йиллар давомида атоқли от сифатида келган ўринларда ҳам Тангрининг номи кичик ҳарф билан хато («олло» тарзида) ёзилиб келинди. Эндиликда уни тўғри ёзмоқ ва унинг воситасида ясалган атоқли отларни (Оллоҳёр, Оллоҳберди тарзида) тузатмоқ зарур.

Шунинг учун Оллоҳёр кўринишида қўллаш маъқулроқ.

³ Суфи Оллоҳёр «Маслак ул муттақин», нашрга тайёрловчилар Сайфиддин Сайфуллоҳ, Акрам Деҳқон, Т., «Мовароуннаҳр» нашриёти, 2008 й, 13 бет.

⁴ Ўша асар. 15 бет.

Буни шоир шеърларининг вазни ҳам тақозо этади:

**Неча Оллоҳ ёр(и) юрсанг, ушбу фоний дунёда,
Жон берурсан охири фарёд(и) қилмоқ арзимас.
(Фоилотун, Фоилотун, Фоилотун, Фоилун).**

Сўфий Оллоҳёр шахсий ҳаётига доир маълумотлар унинг ўз асарларида тарқоқ ҳолда учрайди. Сўфий Оллоҳёр «Сабот ул – ожизин» асарига татар тарихчи олими Тожиддин Ёлчиғул ўғли 1797 йил «Рисолаи Азиза» номли шарҳ китобини ёзган. Унда баён этилишича, шоир 1634 йил Миёнқол мавзеига қарашли Минглар қишлоғида таваллуд топган, хитой – қипчоқ қабиласининг Ўтарчи уруғидандир.

Сўфий Оллоҳёрнинг ҳаёти ва дунёқарашидаги кескин ижобий ўзгариш ўз замонининг фозил ва ориф зотларидан бири Шайх Наврўз билан учрашувидан сўнг содир бўлган. Балоларни даф этгувчи муршид Ҳазрати Ҳабибуллоҳ Аллоҳнинг дўсти – Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассалам йўлини тутиб, унга амалда пайравлик қилар эди. Унинг покиза номи Наврўз. У бошдан оёғигача Аллоҳнинг ишқи билан ёниб турарди. Шунингдек, Сўфий Оллоҳёрнинг машҳур тасаввуф шайхи Офок Хожа билан учрашиши ҳам унинг маънавий – ахлоқий ҳаётига кучли таъсир ўтказган.

Шоир умрининг катта қисмини Каттақўрғон шаҳрининг Сўфий гузарига ўтказади. Сўнг Жом тоғининг Чўнқаймиш гўшасида, кейин Қабадиёнда (1710 й) сўнгра, Сурхандарё вилояти, Дехнав тумани (ҳозирги Олтинсой тумани) Катта Ваҳшивор масканида ўтказади.

- Биз биламизки, Сўфий Оллоҳёр ислом, хусусан, туркий ва форсийзабон халқлар орасида жуда машҳур бўлган. Асарлари XVII асрдан XX аср бошларигача мактаб-мадрасаларда асосий қўлланмалардан ҳисобланган. Бу машҳурликнинг сабаби нимада?

- Ўтмишда яшаган бир муаллиф Сўфий Оллоҳёр вафот-

ларига тарих ёзаркан, у кишини «Абу Ҳанифаи вақт аст» («Ўз замонасининг Абу Ҳанифаси, яъни Имоми Аъзами») деб баҳолайди. Бу билан Сўфий Оллоҳёрни VIII асрда яшаган имом Аъзамга тенглаштиради.

Маълумки, Имом Аъзам ўз даврида Қуръони карим ва Хадиси шариф илмлари асосида шариат аҳкомларини тартибга солган, «Шариат аҳкомлари ҳақида» номли катта китоб ёзган биринчи фикҳшунос олим эди. Аммо бу китоб араб тилида ёзилганди. Сўфий Оллоҳёр ҳам ўз даврида Имом Аъзам каби давлат тили бўлган форсий ва туркий тилларда шариат аҳкомлари ҳақида иккита китоб ёзиб қолдирган.

Сўфий Оллоҳёр ўзининг бу фаолияти билан Чин (Хитой)дан Шом (Сурия)гача, Оқ Эдил (Волга) бўйларидан Ҳиндистон сарҳадларигача бўлган форсий ва туркийзабон халққа исломий маърифат нуруни тарқатди. Бу эса ҳар қандай ижтимоий – иқтисодий давр ҳамда сиёсий муҳитларда унча – мунча мутафаккир ижодкор қўлидан келаверадиган иш эмасди. Сўфий Оллоҳёр машҳурлигининг туб боиси аввало ана шундадир.

Мутасаввуф олим ва шоир руҳиятига, ботиний дунёсига таъсир қилган пирларини васф қилар экан, ҳатто ижод қилишида ҳам улардан маънавий мадад етиб турганлигини фахр билан эслаб ўтади.

У тахминан 25 ёшларида амирликда, Абдулазизхон ҳукмронлик қилган даврда (1645-1680) маълум муддат (солиқ-божхона) бсж йиғувчилар маҳкамасининг тўралик лавозимига тайинланади. Уша даврда бу катта амал эди. Чунки бож ва ҳирожлар амирлик иқтисодиётида муҳим рол ўйнар эди. Тўралик лавозимига ихлос билан киришган шоир бу соҳадаги ҳақсизликлар, жабр-зулмларни кўриб, ундан воз кечади.

Оллоҳёр тўралик лавозимида ишлаш жараёнида маълум вақт ўта қаттиққўллик билан иш бошлайди. Тўралик зулми шу даражага етадики, Оллоҳёр тўра номини эшитган одам қўрқувдан зир титрайдиган бўлиб қолади.

Бир гал шайх Ҳабибуллоҳнинг халифаларидан бири Бухоронинг Ростон бозорга келтирган бир қоп молининг солиғини тўламагани учун уни қаттиқ жазолайди, шайх ёнига халифаси арз қилиб боради. Бу ҳолни эшитган шайх Ҳабибуллоҳ Оллоҳёрни бу йўлдан қайтиши учун дуо-бад қилади. Бошқа бир ривоятда айтилишича Оллоҳёр ўзидаги ортиқча кибрланишни йўқотиши шарт бўлган. Бунинг учун Оллоҳёр кўйнинг қорнини ахлати билан бошига кийиб, ичак-чавоғини бўйнига ўраб Бухоро кўчаларида ақлдан озгандай бўлиб юради. Бу ҳолни кўрган одамлар Оллоҳёр ақлдан озибди деган фикрга келишади. Ана шундан кейин шайх Ҳабибуллоҳ даргоҳига бош уриб боради. Иккинчидан солиқ маҳкамасида ишлаш даврида кўп ноҳақликлари, халққа бўлган жабр-зулмларини кўрди. Кейинчалик «Маслак ул-муттақин»⁵ асарининг «Дар баёни ва шикасти қардан азнорасоноҳи худ, ё Аллоҳ» сарлавҳаси остида берилган парчадан ўз таржимаи ҳолига оид қуйидагича маълумотларни баён этади:

Бар жамъи уййуб иқрорам,
Лек бар гуфт назм ночорам,

Чунки ман заҳли истифода наям,
Хожа, мир, шайхзода наям,

Аввалиҳон ман агар пурси,
Зуд аз ман гурузи тарси.

Хизмати шоҳи аср мекардам,
Нон зи қавми зи ҳар мехўрдам.

Яъни ноне, ке аз тамаъ пайдост,
Гўям аз ин зиёда низ равост,

⁵ «Маслак ул-муттақин». Котиб мулла Муҳаммад Сафар, Самарқанд музейи КП 4063 (1311-1394 йил)



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/5239> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/5239> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/5239>